

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Г.Юсупова	
Ўзбекистон халқ хўжалигида Фарғона иқтисодий районининг ўрни (XX асрнинг 50-70 йиллари мисолида)	162
Д.Юлдашева, Н.Набиева	
Энахон Сиддиқованинг “Ватанга бахшида умр” ҳужжатли лиро-эпик қиссасида замонамиз қаҳрамони масаласи	165
И.Жўраев	
Бадиий адабиётда ижтимоий-маиший муаммолар ифодаси.....	168
О.Холматов	
Э.М.Ремарк романларида уруш ва инсон талқини	171
С.Хақназарова	
Абдулла Шер асарларида миллий менталитет ва маҳаллий колорит ифодаси	175
А.Мамажонов	
Мазмуни умумлашган қўшма гаплар.....	178
Н.Қўлдашев	
Экологик лингвистика фанлараро илм-фан сифатида: манба ва динамика	181
М.Ғофурова	
Нутқнинг лингвомаданий жиҳатдан бўёқланганлиги ва уни белгиловчи омиллар	185
У.Буриева	
Функционал дискурс таҳлили муаммолари	189
Д.Ҳакимова	
Нутқий мулоқотнинг гендерологик фарқланиш масалаларига оид	192
Ҳ.Сотволдиева	
Мақол ва маталлар олами идрок этиш миллий хусусиятларининг инъикоси сифатида	195
М.Мамажонов	
Аллюзив антропонимлар ва уларнинг бадиий матнда қўлланилиши.....	198
Ш.Имомназарова	
Ўлан ва лапар жанрларининг ўзаро муштарак ҳамда фарқли хусусиятлари	200
Ф.Анварова	
Синонимларнинг тилда қўлланилиши	204
М.Ҳайитова, М.Мирзаахмедов	
Боғча болалари ўртасида инглиз тилини ўқитишни такомиллаштиришнинг баъзи педагогик асослари	207

УДК: 398

ЎЛАН ВА ЛАПАР ЖАНРЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУШТАРАК ҲАМДА ФАРҚЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

СХОЖИЕ И ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ЖАНРОВ «УЛАН» И «ЛАПАР»

COMMON AND DIFFERENT FEATURES OF THE GENRES OF OLAN AND LAPAR

Ш.Имомназарова

Аннотация

Мақолада ўзбек маросим фольклори материаллари асосида халқ лирикасининг анъанавий жанрлари ҳисобланган “ўлан” ва “лапар”нинг ўзаро ўхшаш ва фарқли хусусиятлари таҳлил қилинган.

Аннотация

В представленной статье на основе материалов узбекского обрядового фольклора анализируются традиционные жанры народной лирики – “улан” и “лапар”, определяются их схожие и отличительные особенности.

Annotation

Based on the materials of Uzbek ritual folklore, this article analyzes the traditional genres of folk poetry “ulan” and “lapar”, defines general and peculiar features.

Таянч сўз ва иборалар: ўзбек фольклори, халқ кўшиғи, жанр, маросим фольклори, бадиҳагўйлик, репертуар, анъана, бадиий матн.

Ключевые слова и выражения: узбекский фольклор, народная песня, жанр, обрядовый фольклор, импровизация, репертуар, традиция, художественный текст.

Keywords and expressions: Uzbek folklore, folk song, genre, ritual folklore, improvisation, repertoire, tradition, literary text.

Ўлан жанрига оид ўзбек халқ кўшиқлари асосан чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан машғул бўлган аҳоли орасида кенг тарқалганлиги, никоҳ тўйининг «қиз мажлиси», «қиз йиғини» каби узвларида анъанавий тарзда айтиб келинганлиги, ҳар бир мисраси ўн бир ҳижоли тўртликлар тарзида оммалашганлиги, йигит ва қизлар тарафидан навбатма-навбат айтишув тарзида ижро қилиниши билан характерланадиган фольклор жанри ҳисобланади. Ўзбек халқ ўланлари ўзининг бир қатор хусусиятлари, масалан, тарафматараф бўлиб ижро этилиши, асосан тўртликлар шаклида оммалашганлиги, лирик мазмуннинг устуворлик қилишига кўра лапарга ўхшаб кетади. Шунинг учун ҳам ўланларнинг ўзига хослигини кўрсатишда унга ёндош фольклор жанрларидан бири сифатида лапарни танлаш, бу жанрларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли белгиларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек фольклорининг бу икки мустақил жанри ўртасидаги ўхшашликлар қуйидагилардан иборат:

1. Ижро ўрни. Юқорида қайд этганимиздек, ўлан жанрига мансуб халқ

кўшиқлари никоҳ тўйидан бир ёки икки кун аввал келин бўлаётган қизнинг уйида ёки унинг бирор яқин қариндоши, кўни-кўшниларида ўтказиладиган «Қиз йиғини», «Қизлар мажлиси», «Қиз оқшоми» каби номлар билан юритиладиган маросимда, шунингдек, турли халқ сайиллари, байрам ва оммавий томошаларда айтилган. Бинобарин, лапарлар ҳам ўланлар каби никоҳдан бир-икки кун олдин келин бўлиб тушадиган қизнинг уйида ижро этилади. Академик Т.Мирзаев тўғри қайд этганидек, «лапарлар никоҳдан бир-икки кун олдин келин бўлиб тушадиган қизнинг уйида ижро этилган. Бу маросим турли ерларда «Қиз оқшоми», «Қиз оши», «Лапар кечаси», «Қизлар мажлиси», «Қизлар базми», «Лапар тўйи» каби турлитуман номлар билан юритилади. «Лапар кечаси» тадбири тўй маросимларининг никоҳгача бўлган таркибий қисми ҳисобланади»[1,43]. Тўйдан бурун ташкил этиладиган йиғинга ҳамқишлоқларни ва теваарак-атроф қишлоқларда яшовчи таниқли ўланчиларни чақиритиш учун махсус айтувчи тайинланади. «Лапар кечаси»га одамларни чақиритиш учун эса «қизнинг (келиннинг) янгаларидан бири махсус ясатилган отга миниб,

Ш.Имомназарова – ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, (PhD).

орқасига 11-12 ёшли болани ҳам мингаштириб ёки пиёда ҳолда ўз қишлоғи ва тўйдош яқин қишлоқларни айланиб, лапар кечасига хабар қилади»[1,43]. Кўринадики, ўлан ва лапар жанрларининг барқарор ижро ўрни асосан никоҳ тўйи маросими ҳисобланган. Шу билан бир қаторда, қайд қилиш керакки, ўлан ҳам, лапар ҳам асосан никоҳ тўйи маросимида ижро этилган бўлса-да, турли сайил-томошалар, маданий тадбирлар ва бошқа ҳолатларда ҳам айтилиши ҳолати кузатилган.

2. Ижро усули ва ижрочилар таркиби. Ўлан ижрочилигида йигит ва қиз ёки эркак ва аёлларнинг тарафма-тараф бўлиб айтилиши жанрнинг асосий белгиларидан биридир. Лапар ижрочилигида ҳам тарихан йигит билан қизларнинг тарафма-тараф бўлиб лапар айтилиши устувор анъана ҳисобланган. Лекин фольклор анъаналарининг тарихий тараққиёти давомида лапар ижрочилигининг якка шахс тарафидан айтиладиган тури ҳам шаклланган (масалан, рақс тушиш асносида айтиладиган лапарлар). Анъанага кўра, икки тарафнинг кайвонилари иштирокида ўтказилган бундай қўшиқ базмида айтишувни йигитлар бошлаб бериши урф бўлган. Чунки ўлан ёки лапарни қизлар бошлаши одобдан саналмаганлиги боис халқ қўшиқларидан бирида «Ўланни аввал бошлаб қиз бошламас, Қиз бошлаган ўланни эл хушламас», дейилади. Шунинг учун ҳам «лапар базми» ёки «ўлан айтилиши»га йиғилган йигит-қизлар айрим ҳудудларда айвоннинг икки тарафига, баъзан қизлар уй ичида, йигитлар ташқарида – эшик олдида ёки қизлар уйнинг тўрида, йигитлар пойгақда туришиб, тортишувни бошлашган.

Халқимиз анъанасига кўра, ўлан қўшиғи йигит ва қизларнинг ўзаро айтишуви сифатида ижро этилиши жанр табиатини белгиловчи каноник хусусиятлардан биридир. Ҳозир айрим жойларда (масалан, Учкўприк туманида яшовчи Содиқжон ўланчи мисолида) ўланнинг яккахон ижрочи томонидан айтилиши ҳолатининг қайд этилганлиги эса анъананинг бузилиши ҳисобланади. Лапар ижрочилигида эса бу жиҳатдан ҳар хиллик ҳолатлари кузатилади. Анъанага биноан лапарнинг қиз ва йигитлар тарафидан навбати билан айтилиши жанр ижросининг қадимий анъанасини белгиловчи хосса бўлса-да, бу қўшиқнинг

битта аёл томонидан доира чалиб туриб айтилиши, икки қизнинг жўровоз бўлиб куйлаши, рақс тушиш асносида ижро этилиши каби ижро шакллари ҳам мавжуддир. Лекин йигитларнинг якка ўзи лапар айтиши ҳодисаси қайд этилмаган.

Шунингдек, ҳар икки жанр ҳам айтишув-диалог тарзида ижро этилиши билан ўхшашлик касб этса-да, ўланларни йигит ва қизлар, лапарларни эса, фақат хотин-қизлар ижро этиши мумкинлиги билан ҳам фарқланади. Айтишувда ижрочилар бир хил жинс вакиллари ҳам бўлиши мумкинлигини қайд этган таниқли қозоқ адиби ва олим М.Авезов “salt-dastur aytislari” (маросим айтишувлари) ҳақида ижро тарзи ва бадиий тузилиш жиҳатидан ўзбек лапарларининг айнан ўзидан иборат эканлигини айтади[2,430-431]. Ўланни қадимдан икки жинс вакиллари ижро этишган.

3. Ўлан ва лапар ижросида бошлама ҳамда хотиманинг мавжудлиги. Ўланнинг бадиий матн қурилиши шартли равишда «бошлама ўланлар», деб номланган тўртликлар билан бошланган. Айни шундай бадиий матн қурилиши лапар жанрига хос бўлган хусусиятлардан ҳам биридир. «Бошлама» ўлан ва лапар қўшиқларига йигитларнинг қўшиқ асносида «лапар солиши» ёки «ўлан ташлаши» ҳамда қизларнинг унга жавобан айтган лапар ёки ўлани ҳам киради. Ижронинг шундай бошланиши ҳар икки жанр учун умумий хосса саналади. Ўлан ҳамда лапарни тарафма-тараф бўлиб айтган йигит ва қизлар мавзу жиҳатидан бири иккинчисини тўлдириб борадиган ва бадиҳағўйлик асосига қурилган бандларни ижро этиш асносида томонлардан бирининг қўли баланд келганлиги аёнлашса ёки ижрони тўхтатишга эҳтиёж сезилса, хайрлашув, хушлашув маъносидаги мисраларни айтиб, ижрони тугатишган.

4. Ижрога чолғунинг жўр бўлиши. Маълумки, ўлан асосан мусиқа жўрлигисиз айтилса-да, баъзи ҳолларда, масалан, бахшилар томонидан ижро этилганда дўмбира сози иштирок этиши кузатилган. Масалан, зоминлик Ёрлақаб Бекназар ўғлидан фольклоршунос олимлар Мансур Афзалов, Темир Очиловлар ёзиб олган ўлан намуналарида дўмбира жўрлигида айтилган ўлан матни «ёр-ёр» радифи қўшиб ижро

этилганлигини кўрамыз. Шунингдек, айрим ҳудудларда доира жўр бўлганида ҳам «ёр-ёр» радифи кўшиб ижро этилган. Аммо бу ҳолат ўлан жанрининг ижро усули учун анъанавий белги эмас. Лапарлар эса асосан чолғу жўрлигида айтилиши анъана ҳисобланган. Академик Т.Мирзаевнинг ёзишича, «лапар айтишишни эътиборли кайвони аёл, ҳамма тан олган лапарчи чилдирма жўрлигида ёки чилдирмасиз бошқариб турган»[3,43].

5. **Ижро жараёнида бадихағўйликнинг устуворлик қилиши.**

Ўлан ва лапар айтувчилар анъанавий банд ёки мисралардан фаол фойдаланган ҳолда ижро жараёнида бадихағўйлик иқтидорини ишга солиб, янги матнларни ҳам яратадилар. Яъни, ижро пайтида янги мисра ва бандларнинг тўқилиши, анъанада мавжуд бўлган матнларга маълум даражада бадий сайқал берилиши бу икки жанрнинг муштарак хусусиятлари сирасига киради.

6. **Генетик асосларининг ўзаро яқинлиги.** Лапар билан ўланлар генетик жиҳатдан бир-бирига жуда яқин туради. Шунинг учун уларнинг хусусий кесишиш нуқталари ҳам талайгина: ижро ўрни, ижро усули, ижрочиларнинг икки жинсга мансублиги, асосий мавзу доираси ишқ ва муҳаббат бўлиб белгиланиши каби хусусиятларда кўзга ташланади. Шу ўринда маросим фольклори ва унинг жанрларининг ривожланиб боришига берилган назарий мезонларга диққат қилсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбек маросим фольклорини атрофлича ўрганган профессор Б.Саримсоқов «маросим фольклори» тушунчасига шундай таъриф беради: «маросим фольклори» тушунчаси тарихан ўзгариб боровчи тушунча бўлиб, даврлар ўтиши натижасида унинг жанрлар состави ўзгариб гоҳ бойиб, гоҳ камайиб туради. Маросим фольклори жанрлар составидаги бундай ўзгаришлар бевосита ижтимоий ҳаёт тақозосига кўра рўй беради»[4,67-68]. Бу фикрни Н.Қосимов янада кенгайтириб, «Даврлар ўтиши билан нафақат маросим фольклори жанрлар тизимида, балки ундаги айрим жанрлар табиатида ўзгаришлар ясайди. Айрим жанрлар мазмунида, ижро ўрни ва ижро тарзида муайян кенгайишлар вужудга келади, айримларида эса торайиш

чегаралари юзага келади»[5,19], деб таъкидлайди.

Юқоридаги кўрсатилган илмий мезонларга таянган ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, ўзбек никоҳ тўйи маросими таркибидаги ўлан, лапар ва ёр-ёр жанрларининг генетик жиҳатдан бирлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Улар қадимда бир бўлиб, кейинчалик ривожланиш ва кенгайиш натижасида мустақил жанрлар ҳолига келган ва бугунги кунда никоҳ тўйи маросимининг турли узвларида мустақил ҳолда ижро этилмоқда.

Шу билан бир қаторда ўзбек фольклорида ғоят кенг тарқалган бу икки жанр ўртасида муайян фарқли, фақат уларнинг ҳар бирининг ўзигагина хос бўлган жиҳатлари ҳам мавжуддир. Қуйида ана шундай фарқли белгиларни ҳам кўрсатиб ўтамикки, зеро, бу фарқли белгилар ўлан жанрининг ўзига хос хусусиятларини ойдинлаштиришга ёрдам беради:

1. **Ижрочилар таркибининг турмуш тарзига кўра фарқланиши.** Кузатишлар шуни кўрсатдики, ўлан асосан турмуш тарзи чорвачилик ёки ярим деҳқончилик ҳамда ярим чорвачилик (яъни, ўтроқ бўлиб турмуш кечирганлари ҳолда кўкламдан бошлаб чорвачилик билан шуғулланувчилар)дан иборат бўлган аҳоли, хусусан, Тошкент, Наманган, Жиззах вилоятларининг тоғли ҳудудларида истиқомат қилган кишилар орасида кенг оммалашган. Турмуш тарзида деҳқончилик устуворлик қиладиган, айниқса, шаҳарлар ва унга ёндош ҳудудларда яшовчи аҳоли орасида эса ўлан деярли ижро этилмаган. Бундай жойларда лапар айтиш анъанаси ривожланган. Шунга кўра, ўлан жанри турмуш тарзи номадик маданият билан боғлиқ бўлган аҳоли орасида, лапар эса ўтроқ маданиятга мансуб аҳоли ўртасида оммалашган, деб хулоса чиқариш мумкин.

2. **Ижро этиладиган матннинг вазн қурилишига кўра фарқланиши.** Ўлан кўшигининг матни асосан ўн бир ҳижоли мисралардан тузилган тўртлик шаклидаги шеърий тузилишга эгаллиги билан характерланади. Яъни мисралардаги бўғинлар сонининг ўн битта бўлиши ўланнинг асосий белгисидир. Фақат мусиқа жўрлигида, яъни доира ёки дўмбира жўр бўлганида «ёр-ёр» радифи кўшиб ижро этилиши натижасида жанр хусусиятига кўра

қатъий ўн бир ҳижоли бармоқ вазнига эга бўлган ўланлар 13 ҳижоли бармоқ вазнига эга бўлган кўшиқ сифатида ҳам айтилиши кузатилади. Бундан ташқари, ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусий белгилари борки, улар ҳам ижронинг ва ижоднинг айрим нуқталарида бир-бирлари билан кесишади. Ўлан билан ёр-ёр ижро ўрни бошқа-бошқа бўлса ҳам уларда генетик яқинлик мавжуд. Ўланлар асосан ўн бир ҳижоли бўлиб, баъзан «ёр-ёр» сўзи радиф бўлиб қўшилганда ўн уч ҳижога айланади ва 4+3+4+2 шаклда тuroқланади:

Тошкентимнинг /бир бозори/ уймоқ бозор / ёр-ёр/ = 13 (4+3+4+1)

Йигитлик жў/март элга/ қўй боқтирар/ ёр-ёр/ = 13 (4+3+4+1)

Қиз боланинг / яхшиси, тушиб қолса / ёр-ёр, / = 13 (4+3+4+2)

Отинг бойлаб /олдингда/ ўйнаб турар, / ёр-ёр/ = 13 (4+3+4+1)

Ёр-ёр жанри учун бу хусусият анъанавий ва барқарордир:

Сумбул каби / зулфлари/ тўлғонади/, ёр-ёр / = 13 (4+3+4+1)

Тоғда битган/ лоладеқ ҳид беради, ёр-ёр[6,157] / = 13 (4+3+4+1)

Келинчакни асосан қиз-келинлар ва янгалари куёв хонадонига олиб борганлиги учун йўлда айтилган кўшиқлар ижрочилар ва келиннинг руҳияти билан боғлиқ бўлиб қолган. Лапарда эса ҳижолар сонининг бир қадар эркинлигини кузатиш мумкин, яъни, ҳар хил вазнга эга бўлган матнлар лапар сифатида ижро этилаверади.

Қошингни қаро дейдилар, қора қош укам, ёр-ёр,

Кўрсат қошингни мен бир кўрай, жоним укам-ей, ёр-ёр[7,180].

Тегирмонга буғдой солдим,
Кам эканин билмадим.

Шу кишига лапар солдим,
Гунг эканин билмадим[8,45].

Кўринадики, биринчи лапарнинг мисраларидаги бўғинлар миқдори ўн бешта бўлса, кейинги мисол ҳар бири саккиз ҳижоли мисралардан ташкил топган. Бу эса лапар жанрига мансуб кўшиқларнинг вазн тузилиши барқарор эмаслигидан далолат беради.

3. Рақсга муносабатига кўра фарқли жиҳати. Юқорида қайд қилганимиздек, айрим ҳудудларда, масалан, Хоразм вилоятида, шунингдек, Фарғона водийсида ҳам, қизлар рақс тушиш асносида лапар айтиш анъанаси мавжуддир. Бу ҳолатни Хурсандой Қодирова раҳбарлик қиладиган «Омонёр» фольклор-этнографик жамоаси (Қўқон шаҳри) репертуарида кўриш мумкин. Бундан ташқари, лапарларнинг профессионал сахнадаги ижросида ҳам (масалан, Тамарахоним репертуаридаги) лапарнинг рақс билан боғлиқлигини кўрамыз. Ўлан эса ҳеч қачон рақс тушиб туриб айтилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ўлан ҳар қандай мураккаблик ва чуқур фалсафий иштибоҳлардан ҳоли, ғоят халқчиллиги ва тилининг соддалиги билан ҳам ажралиб турадиган, ўзининг бир қатор хусусиятлари билан халқ лирикасининг лапар жанри билан ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларга эга бўлган фольклор жанри ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Мирзаев Т. Ўзбек фольклорига лапар // Ўзбек тили ва адабиёти. -1998 йил 1-сон.
2. Авезов М. Шығармалары. Т.ХI. – Алмата, 1969.
3. Мирзаев Т. Юқоридаги мақола.
4. Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг жанрлар состави // Ўзбек фольклори очерклари. 3 томлик. 1 том. - Т., 1988.
5. Қосимов Н. Ўзбек халқ лапарлари (генезиси ва поэтик табиати): Филол. фанлари номз. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Т., 1998.
6. Алавия М. Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. – Т., 1972.
7. Гулёв. Фарғона халқ кўшиқлари // Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик. Тўплаб нашрга тайёрловчи Ҳ.Раззоқов. – Т., 1967.
8. Мирзаев Т. Юқоридаги мақола.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).